

Яшил илон



21:00 / 29.11.2022 3358

Бу оламдаги ҳар бир нарса Буюк Яратувчининг қудратига, яккаю ягоналигига гувоҳлик беради. Тоғлар, ўсимликлар, мевалар, жонзотлар, икки оёқда, тўрт оёқда ёки судралиб юрадиган барча тирик мавжудотлар, уларнинг шакли, ранги, яшаш тарзи, хуллас, барча барчаси Роббимизнинг қудратига, Буюклигига далолат қилади. Ана шундай махлуқотлардан бири расмдаги яшил илондир. Илоннинг териси иссиқлик таратувчи тўлқинларни сезиш қобилиятига эга. Ушбу илоннинг кашф этилганига кўп бўлгани йўқ, узунлиги тахминан 130-170 см.ни ташкил этади. Аллоҳ таоло бу жонзотни ҳароратни сезувчи жиҳоз билан яратган. Илон ўша аъзоси орқали кечаю кундуз иссиқлик тўлқинларини аниқлайди. Тўлқин келаётган томонга ҳужум қилиб, ўлжани паққос туширади. Сизганингиздек, ўлжани кўрмасдан унга ташланади. Аллоҳ таоло ҳар бир махлуқининг ризқи Ўзининг зиммасида эканини эълон қилган.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اَعْلَمُوْا اَنَّ اِلٰهَكُمْ اِلٰهٌ وَّاحِدٌ ۚ لَيْسَ لَهٗۤ اِشْرَاقٌ ۚ لَئِنْ سْئَلْتُمْ عَنْ اٰيَاتِنَا لَنَقُوْلَ لَكُمْ اٰيَاتِنَا فِيْ اَيِّۤامٍ مَّوَدُوْدَةٍ ۚ
نِيَّۤاتِك

«Ер юзидаги жонзот борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг қароргоҳларини ҳам, сақланиб турадиган жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин китобда бордир». (Ҳуд сураси 6-оят)

Барча жонзотларга, жумладан, шу илонга ҳам ризқини етказадиган, уларни унутиб қўймайдиган Роббимиз «Эй Роббим, ризқимни ато қилгин» деб дуо қиладиган биз бандаларини унутиб қўярмиди, бизнинг ризқимизни бермасмиди?!

Манба: kaheel7.com

Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон